

Sotiboldiev G'ayratjon Otamirzaevich
Senior Lecturer of the Department of Social Sciences
Namangan Engineering and Construction Institute

THE IMPACT OF SOCIAL NETWORKS ON PUBLIC LIFE IN UZBEKISTAN

Annotation: This article discusses the impact of social networks in the spiritual, social and political life of society in Uzbekistan.

Keywords: ICT, internet, social network, modernization, information

Сотиболдиев Ғайратжон Отамирзаевич
Ижтимоий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси
Наманган муҳандислик-қурилиш институти

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАРНИНГ ЖАМИЯТ ҲАЁТИГА ТАЪСИРИ

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистонда ижтимоий тармоқларнинг жамият маънавий, ижтимоий, сиёсий ҳаётига таъсири ҳақида фикр юритилган.

Калим сўзлар: АКТ, интернет, ижтимоий тармоқ, модернизация, информация

Ахборот коммуникация технологиялари жамият тараққиётида аста-секин ҳукмрон бўлиб бораётган ахборот муҳитини яратди. Ахборот фаолиятининг ривожланиши жамиятнинг ахборот муносабатларининг ривожланишини тақозо этади. Бу эса, ўз навбатида, жамият онгига таъсир этиб, ижтимоий онгнинг тарихий жиҳатдан янги информологик шаклини яратмоқда. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек: “Бугунги кунда ахборот-коммуникация технологиялари, интернет тизимини кенг ривожлантирмасдан туриб, мамлакатимизни модернизация қилиш ва

янгилаш, барқарор тараққиётга эришиш ҳақида сўз юритиш мумкин эмас”[2].

Ўзбекистонда 1998 йилдан 2021 йилгача бўлган даврда ахборот коммуникация технологияларига доир 2 та Сенат, 19 та Президент Қарори, 4 та Президент фармони, 8 та Олий Мажлис Қарори, 46 та Вазирлар Маҳкамаси Қарори, 3 та Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш Вазирлиги буйруқлари, интернетга оид 13 та Вазирлар Маҳкамаси Қарори, 13 та Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш Вазирлиги буйруқлари қабул қилинди. 2022 йил 4 февралда “Интернет жаҳон ахборот тармоғида ёшлар ва вояга етмаганлар учун миллий контентни ривожлантириш, уларнинг ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш маданияти ва зарарли ахборотдан ҳимоя қилиш масалалари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига парламент сўрови юбориш ҳақида” Сенатнинг СҚ-479-IV-сон қарори қабул қилинди. Ушбу соҳага оид Қарор ва фармонларни қабул қилиниши бугунги куннинг долзарб вазифалари ҳисобланади. Мамлакатимизда интернет ва унга алоқадор технологияларнинг ривожланиши унинг етакчи оммавий ахборот воситаларига, замонавий жамиятнинг барча тузилмалари фаолиятини таъминлайдиган энг муҳим ахборот ресурсига, шунингдек, ташкилий ва технологик асосга айланишига олиб келди. Ўзбекистонга интернетнинг кириб келиши ва мамлакат аҳолисининг ундан самарали фойдаланиши натижасида янги ахборот манбаларига эга бўлмоқдалар. Пировард натижада инсонлар олаётган ахборотларни тўғри ёки нотўғри эканлигини асослаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бугунги кунда ижтимоий тармоқлар мамлакат ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётида муҳим роль ўйнамоқда. XX асрнинг охирига қадар мамлакатимизнинг ижтимоий, маданий-маърифий ҳаётида, асосан, бадиий китоб, газета ва журналларга қизиқиш катта бўлган бўлса, бугунги кунга келиб буларнинг ўрнини тезкор ахборот

манбаи - ижтимоий тармоқлар эгаллай бошлади. “Ўзбекистонда “Facebook” тармоғидан фойдаланувчилар 1 миллионга яқинлашиб қолган. Улар ўртача 25-34 ёшда бўлиб, 65.5 фоизини эркаклар, 34.5 фоизини хотин-қизларимиз ташкил этар экан. Айти пайтда дунёда 1 млрд.лик аудиторияга эга Instagram Ўзбекистонда 1.586.500 нафар фойдаланувчига эга. 2.476.590лик Facebook эса мамлакатимизда 686.400 кишини бирлаштирган. 200 млн.лик Telegram – Ўзбекистонда 18 млн.кишига хизмат кўрсатмоқда”[4].

Бугунги ёш авлоднинг маънавий тарбияси ҳақида фикр юритилганда, Президентимиз Ш.М.Мирзиёевни қуйидаги фикрларини айтиб ўтиш жоиздир: “Ҳозирги кунда мамлакатимизда китобхонлик савиясини ошириш, мутоала маданиятини юксалтиришга катта аҳамият берилаётгани сизларга маълум. Лекин кўплаб болаларимиз китобдан узоклашиб, кўп вақтини ижтимоий тармоқларда ўтказаётгани - бу ҳам бор гап.

Албатта, биз интернет ва бошқа замонавий ахборот манбаларининг ўрни ва аҳамиятини инкор этмаймиз. Бугунги ҳаётимизни интернетсиз тасаввур қилишнинг ўзи қийин” [3]. Жаҳон ахборот майдони кенгайиб бораётган бир пайтда ёшларимизнинг онгини ўраб-чирмаб эмас, балки уларнинг маънавий тарбиясига алоҳида урғу бериб, рўй бераётган воқеа ва ҳодисаларга ўз қобиғимизга ўралмаган ҳолда тўғри йўл кўрсатишимиз керак. Чунки бугунги кунда юртимизда очиқ ва эркин демократик жамият қуриш вазифаси йўлга қўйилган. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, глобаллашув жараёнида бугунги ёшларимизнинг маънавий тарбиясига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган хабарлар ҳам тузатиб бўлмас даражада зиён келтириши мумкин. Ўзбекистонда интернет глобал ахборот компьютер тармоғининг имкониятлари ва ролини таҳлил қилиш шахсий ва ижтимоий ривожланишда қуйидаги ижобий натижаларни кўрсатади: Интернетдан ўзига хос "оммавий алоқа воситаси", улкан ахборот базаси сифатида фойдаланиш. мониторинг, илмий иш,

ижодкорликни ташкил этишнинг кучли воситаси. Интернет ёрдамида жаҳон электрон бозори, электрон бизнес шаклланмоқда. Сиёсий соҳада интернет инсонни шахс сифатида бир йўналишли мафкура таъсиридан ҳимоя қилади. Интернетнинг энг ёрқин хусусиятлари унинг ўзига хослиги, миллатлараролиги, очиқлиги, чизиқли бўлмаганлиги, мураккаблиги, интеграцияси ва универсаллигида намоён бўлади.

Глобал ахборот тармоғининг ривожланишида юзага келадиган асосий муаммоларни қуйидагича тавсифлаш мумкин: Тармоқларда жойлаштирилган маълумотлар ҳажмини назорат қилишнинг имкони йўқ. Турли хил маълумотлар пайдо бўлади, улар орасида ахлоқий жиҳатдан салбийлари кўп учрайди. Интернет инсоннинг ақлий ва жисмоний қобилиятига алоҳида талаблар қўяди, чунки бу тизимга берилиб кетиш, яъни виртуал оламга кириб келиш, реал ҳаётдан узоқлашишга олиб келади.

Интернет жаҳон ахборот тармоғида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган тарғибот материалларини бериб бориш, ёшларни интернетдаги турли ахборот хуружларидан ҳимоялашга қаратилган электрон шаклда ресурсларни яратиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Чунки, мафкуравий таҳдидлар орқали ёшларнинг қарашларини ўзларига маъқул бўлган йўналишда ўзгартиришга, ахлоқсизлик каби бузғунчи ғояларни сингдиришга уринишлар бўлмоқда. Биргина 2021 йилнинг декабрь ҳолатига кўра миллий домен ҳудудидаги 289 та веб-сайтда (1 734 та қонун бузилиш) порнография, 91 та веб-сайтда эса (363 та қонун бузилиш) беҳаёлик ва маънавий бузукликни тарғиб қилувчи ҳолатлар аниқланган бўлиб, 2 097 та қонун бузилиши ҳолати қайд этилган. Шунингдек, ижтимоий тармоқларнинг ўзбек сегментида маънавий бузукликни тарғиб қилувчи 130 га яқин гуруҳ, саҳифа ва каналлар мавжудлиги аниқланган бўлиб, уларда 2 646 та материал (фото, видео, матнли ва бошқалар) тарқатилган. Ушбу материалларнинг аксарияти «Одноклассники» (55 та гуруҳнинг 1 962 та материали) ва «Instagram» (60

та гуруҳнинг 684 та материали) ижтимоий тармоқларнинг ҳиссасига тўғри келади. 2021 йилда ахлоқсизлик, беҳаёликни тарғиб қилувчи 1 650 та веб-сайтдан мамлакат ҳудудида фойдаланиш белгиланган тартибда чекланган. Энг оммабоп бўлган «Telegram» мессенжеридаги 35 та фаол каналда одоб-ахлоқ талабларига мос келмайдиган ўзбек аудиториясига қаратилган 7 738 та материал мавжудлиги аниқланган. Биргина «Telegram» мессенжери ва «TikTok» видеоплатформасининг Ўзбекистон аудиторияси учун йўналтирилган ресурсларида фақш ёки порнографик контент орқали аудитория тўплаш ва реклама ҳисобидан даромад топишга қаратилган 7 та канал аниқланган (умумий обуначилари сони — 120 721 нафар).

«Telegram» мессенжерида умумий обуначилари сони 44 479 нафар бўлган ақидапарастлик ёки экстремистик мазмундаги виртуал 43 та ресурс мавжудлиги, худди шу мазмундаги материалларнинг тарқатилиши ва тарғиботи билан «TikTok» видеоплатформасида 20 та профил фаолият кўрсатаётгани, унинг умумий обуначилари сони 25 458 нафарни ташкил этаётгани ачинарли ҳолатдир.

«Instagram» тармоғида қурол-яроғлар тарғиботи билан шуғулланувчи 2 та саҳифа мавжуд бўлиб, каналнинг умумий аъзолари сони 17 924 нафарни ташкил этади. [1]

Юқорида қайд этилганлардан келиб чиқиб, ўқувчи ёшларнинг онгига зарар етказиши мумкин бўлган ахлоқсизликни тарғиб қилувчи контентларга қарши курашиш, диний адоватни қўзғатувчи, таваккалчиликка асосланган онлайн ўйинлар, тотализаторлар, оилавий қадриятларни инкор этадиган ҳамда жамиятда бузғунчилик ғояларини тарғиб этадиган веб-ресурсларни доимий равишда чеклаб бориш устувор вазифа ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, Интернет жаҳон ахборот тармоғида фойдаланувчиларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини ривожлантиришга кўмаклашадиган замонавий веб-ресурсларни

шакллантириш, шунингдек, ахборот маконида Ўзбекистоннинг тарихи, фани, маданияти ва санъатини тарғиб қилишни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни йўлга қўйиш, интернет ва ижтимоий тармоқларда илгари сурилаётган ғоя ва фикрларни мониторинг қилиш, уларнинг динамикасини аниқлаш, интернет жаҳон ахборот тармоғида ёшлар ва вояга етмаганлар учун контентларни ривожлантириш, ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш маданияти ва зарарли ахборотдан ҳимоя қилиш борасидаги илғор хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2022 йил 4 февралдаги СҚ-479-IV-сонли Қарори
2. Ш. Мирзиёев Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Тошкент-“Ўзбекистон”-2017. Б-86
3. Ш. Мирзиёев Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Тошкент-“Ўзбекистон”-2017. Б-529
4. Беруний Алимов. Ёшларнинг ижтимоий тармоқлар орқали мамлакат имижини оширишдаги роли. <http://beruniyalimov.uz/archives/705>
5. Аллаяров Отабек Эркинович. Ўзбекистон барқарор тараққиётини таъминлашда интернет технологияларидан самарали фойдаланиш механизмлари Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (phd) диссертацияси автореферати Тошкент-2019 йил Б-17
6. Шайдуллаев Н. Обеспечение информационно-психологической безопасности в открытых информационных системах //Теория и практика современной науки. – 2017. – №. 4. – С. 909-912.
7. Shaydullayev N. Formation of intellectual culture in youth-demand of period //Экономика и социум. – 2020. – №. 5-1. – С. 140-142.
8. Мухиддинова Х. Г. Информация как средство психологического воздействия //Теория и практика современной науки. – 2017. – №. 4. – С. 625-628.